Оқсарой қароргоҳида қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26 май куни Оқсарой қароргоҳида Япониянинг Экспорт-импорт банки бошқарувчиси Хироши Ясудани қабул қилди.

Япония Эксимбанки Ўзбекистон нефть-газ саноатидаги талай иншоотларни барпо этиш ва таъмирлаш бўйича лойиҳаларни молиялаштиришда иштирок этиб келаётир. Булар сирасига Кўкдумалоқ газ компрессорлаш станцияси, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Шўртангазкимё мажмуи қурилишлари, шунингдек, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини таъмирлаш сингари лойиҳаларни киритиш мумкин. Куни кеча эса Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан ушбу муассаса ўртасида янги кредит битими имзоланди. Айтиш жоизки, Япония Эксимбанки Ўзбекистон иқтисодиётига энг кўп сармоя киритаётган молиявий муассасалардан ҳисобланади. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, маблағлар узоқ муддатга ва имтиёзли равишда берилаётир.

Меҳмонлар билан учрашувда давлатимиз раҳбари ўзаро ҳамкорлик кўлами кенгайиб бораётганини мамнуният билан таъкидлаб, Х. Ясуданинг юртимизга ташрифи Японияда Ўзбекистонга қизиқиш тобора ортиб бораётганининг, қолаверса, икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар юксак даражада ривож топаётганининг тасдиғи эканини таъкидлади.

— Шу кунгача Япония томонидан Ўзбекистонга киритилган сармоянинг умумий миқдори 1 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетди, — деди Президент Ислом Каримов. — Шундан 650 миллионга яқини бевосита Эксимбанк орқали келган.

Япониялик меҳмон Эксимбанкнинг Ўзбекистонда шу вақтгача асосан нефть-газ саноати билан боғлиқ лойиҳаларда иштирок этиб келганини таъкидлаб, эндиликда ҳамкорликни кенгайтириш ва бошқа соҳаларни ҳам қамраш ниятини билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Эксимбанк ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Хусусан, мамлакатимизга Японiядан экспорт қилинадиган товарларни кредитлаш, Ўзбекистондаги муайян лойиҳаларни молиялаштириш, бундан ташқари, кимё, машинасозлик, тўқимачилик саноатини ривожлантириш учун узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ажратиш масалалари кўриб чиқилди.

Учрашувда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В.Голишев, молия вазири Р.Азимов, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э.Ғаниев, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи З.Мирхўжаев иштирок этди.

Қабулда Японияннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси К.Обата ҳозир бўлди.

(ЎзА)

Суратда: қабул пайти. Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 27 май, пайшанба • № 62 (24.457).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ш.Ғ.Иброҳимовни Ўзбекистон Республикаси меҳнат вазири этиб тайинлаш тўғрисида

Шавкатбек Ғуломович Иброҳимов Ўзбекистон Республикаси меҳнат вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 26 май.

Регистон тилларда достон бўлади

Самарқанднинг дунёга машҳур Регистон майдони жаҳон халқлари тилида яна достон бўлади. Негаки, шу йилнинг 25 августидан 2 сентябригача бу ерда «Шарқ тароналари» иккинчи халқаро мусиқа фестивалининг куй ва қўшиқлари янграйди. Ҳозир ушбу тадбирга тайёргарлик ишлари кетмоқда. Яъни Регистон ва Театр майдонлари, янгидан бунёд этилаётган амфитеатр ҳамда марказий маданият ва истироҳат боғида кенг кўламда ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Маълумки, бу фестиваль республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ ҳар икки йилда бир марта ўтказилади.

Бу анжуман халқларнинг миллий мусиқа ва қўшиқчилик санъати анъаналарини авайлаб-асраш, ривожлантириш, дўстлик, биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Аслиддин АБДУЛАЗИЗ ўғли

Тошкент шаҳри марказидаги Хотира майдони халқимизнинг муаззам зиёраттоҳларидан бирига айланиб қолди. Она ҳайкали эса Ўзбек аёли сиймосининг том маънодаги рамзидир. Шу боис кексаю ёш бу ерга ташриф буюради. Ёш келин-куёвлар эса никоҳ куни Она пойига гуллар қўядилар.

Бугунги кунда Ватан ҳимоячилари сафларига мустақиллик йилларида шаклланган ёшлар келмоқда. Уларни ҳарбий бурчни чуқур англаш, агар лозим бўлса Ватан учун жон фидо этишга ҳам тайёрлик каби олижаноб фазилатлар ажратиб туради.

Армиямиз минг-минглаб йигитлар учун чинакам мардлик, фидойилик, ҳақиқий ватанпарварлик мактаби бўлиб қолгани қувонарлидир.

Яқинда миллий гвардияга янги чақирилган ёш Ватан ҳимоячилари халқимизнинг тинч бунёдкорлик меҳнатини астойдил қўриқлаш учун қасамёд қилишди. Шундан сўнг улар Хотира майдонини зиёрат қилиш учун келишди. Волидаи муҳтарама ҳайкали пойига гуллар қўйишди.

Суратда: ёш гвардиячилардан Шариф Имомов, Руслан Аминов, Баҳодир Маҳмудов, Ғайрат Севаров ва Арсен Юнусов.

Владимир ПАНОВ олган сурат

Шай Гинотнинг бетакрор дунёси

Қадимий Бухородаги Абу Али ибн Сино номидаги вилоят кутубхонасида исроиллик таниқли суратқаш Шай Гинотнинг 38 та асари намойиш этиляпти. Фотокўргазма Исроилнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва ушбу мамлакатнинг «Соҳнут» агентлиги томонидан уюштирилган бўлиб, у тўрт кун давом этади.

— Суратлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Чунки, уларда инсон билан табиатнинг узвий боғлиқлиги, ўз аксини топган, — дейди биз билан суҳбатда «Соҳнут» агентлиги раиси жаноб Фридман. — Энг асосийси, кўргазма икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ЎзА жаҳонга хабар узатади

Бутунжаҳон компьютер ахборот тизими — Интернет ҳаётимизнинг барча жабҳаларига тобора чуқурроқ кириб бормоқда. Бугунги кунда дунё бўйлаб миллионлаб одамлар Интернетнинг ўнлаб турдаги хизматидан баҳраманд бўлмоқда. Бироқ, мазкур тармоқ фаолиятининг энг асосий йўналиши — тезкор ахборот етказишдир.

Мамлакатимизнинг бош ахборот маҳкамаси — Ўзбекистон Миллий Ахборот агентлиги (ЎзА) Интернетда ўз саҳифасини очди. Унда республикамиз ҳаётига оид муҳим ижтимоий-сиёсий, маданий, маърифий янгиликлар, спорт хабарларидан бохабар бўлишингиз мумкин. Шунингдек, ЎзА саҳифасида республика Президентининг Фармонлари, ҳукумат қарорлари, бошқа расмий ҳужжатлар билан танишиш имконияти бор.

Бозор иқтисодиёти шароитида ахборот энг асосий товар ҳисобланади. Шу боис, саҳифанинг барча имкониятларидан фойдаланмоқчи бўлганлар ЎзА билан тегишли шартнома тузишлари зарур. Шунингдек, мазкур Интернет саҳифаси реклама жойлаштириш ҳам мумкин. XXI асрнинг энг асосий ахборот воситасидаги реклама ҳар ким учун ҳар томонлама фойдали бўлиши шубҳасиз.

Хуллас, агар сиз замон билан ҳамнафас бўлишни истасангиз, XXI асрда ахборот оламида ўз ўрнингизни топмоқчи бўлсангиз, ўз компьютерларингизни ЎзАнинг Интернет саҳифасига мослаб қўйинг — "blade. uza. gov". Саҳифанинг дизайни, маълумотларнинг тартибланиши, шартнома шартлари бўйича таклифларингиз бўлса, tg_oper@uza-gw.uznet. net адресига электрон хатингизни юборишингиз мумкин.

(ЎзА)

«Коллежлар қачон битади?»

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«Ўзбекистон овози» газетасининг 1999 йил 27 апрель сонида чоп этилган «Коллежлар қачон битади?» сарлавҳали мақола юзасидан 1999 йил 28 апрель куни вилоят ҳокими ҳузурида Наманган шаҳар ҳокими ҳамда тегишли туман ҳокими ўринбосарлари, шунингдек, мутасадди ташкилот раҳбарлари иштирокида муҳокама ўтказилди.

Мақолада кўрсатилган камчиликларни қисқа муддатларда тугатиш, реконструкция қилинаётган иншоотларни муддатида сифатли таъмирлаш, мавжуд техника воситаларидан самарали фойдаланиш, қурилиш материаллари ва жиҳозлар билан узлуксиз таъминлаш, ишчилар сонини ишлар ҳажмига мос даражага етказиш тўғрисида кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, мазкур иншоотларда ишларни жадаллаштириш ва ходимларни рағбатлантириш мақсадида қурилишни сифатли ва ўз вақтида бажарган ташкилотларни тақдирлаш юзасидан вилоят ҳокимининг фармойиши қабул қилинди.

Наманган вилояти ҳокими Т. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда

Мустақиллик ва миллий манфаатлар

Поёнига етаётган йигирманчи асрда Ўзбекистон тарихидаги энг буюк ва муҳим воқеа юз берди — халқимиз миллий мустақилликни қўлга киритиб, давлатимиз жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. Ўтган саккиз йилда мамлакатимиз ҳаётида юз берган улкан ўзгаришлар бир қанча ўн йилликларга татигуликдир, десак янглишмаймиз. Чиндан ҳам ҳаётимизда қандай ўзгаришлар рўй берганини ҳис қилиш, сезиш учун биз собиқ шўролар даврида қандай миллат, халқ эдик, ўрнимиз қаерда эди-ю, бугун киммиз, тафаккуримиз, ҳаётга муносабатимиз, қолаверса, дунё ҳамжамиятидаги ўрнимиз қандай, деган саволни ўзимизга бериш ўринлидир.

Юртбошимиз Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган маърузаларида таъкидлаб айтганларидек, мустақиллик йилларида ҳаётнинг ўзи кўп нарсаларга бизнинг кўзимизни очиб берди, юз берган воқеа-ҳодисаларга теран кўз билан қарашни ўргатди. Эсингизда бўлса, 90-йилларнинг бошлариданоқ собиқ шўролар ҳудудидаги аксарият мамлакатлардан фарқли ўлароқ Ўзбекистон ўзининг аниқ йўлини белгилаб олди, янги ижтимоий муносабатларга ўтишнинг аввал мустаҳкам пойдеворини яратди.

— Бизнинг мақсадимиз,— деб таъкидлаган эди ўша пайтда Президент Ислом Каримов. — Бир неча авлод меҳнати билан яратилган нарсаларни йўқотмаслик, уларнинг энг яхшиларини меъёрларга, миллий манфаатларимизга, мустақиллигимизга мос келмайдиганларини қайта ташкил этишдан, мазкур тузилмаларни янги мазмун билан бойитишдан иборатдир.

Мустақил ривожланишимизнинг ўтган даврини таҳлил қиладиган бўлсак, иқтисодий ўзгаришларни устувор деб билиб ислоҳ қилишнинг ўзимизга хос ва мос йўлини танлаганимиз, яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда, юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолигида тараққиётнинг «Ўзбек модели» яратилганлиги, унинг асосли ва тўғри бўлиб чиққанлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлади.

Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш ва жамиятни янгилашнинг беш тамойилини бугунги кунда нуфузли халқаро иқтисодий ташкилотлар, дунёнинг кўпгина мамлакатлари ҳам тан олмоқда.

Биз юқорида иқтисодий ўзгаришларни аввалбошданоқ устувор деб билдик, дедик. Қийин ўтиш даврида давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат ва пировардида амалдаги ўзгаришларни, ислоҳот тадбирларини муаммоларнинг қай бири муҳимлигини эътиборга олиб босқичма-босқич ҳал қилиб борганимиз — буларнинг барчаси ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий соҳаларда мамлакатимиз тараққиётини таъминлашга хизмат қилди.

Мақтанишга йўйманг, яқинда Россия ҳукуматининг янги раиси лавозимига Давлат думасида тасдиқланишдан олдин сўзга чиққан С.Степашин «ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, инсонлар учун», деган қоидага амал қилишимиз керак», деганда фахрланиш ҳиссини туйдим. Нега десангиз, бу ҳаётий тамойилни бундан саккиз йил илгари янги мустақил давлатлар ичида биринчи бўлиб айтган ва ўтган даврда шу устувор қоидага амал қилиб келаётган ҳам Ўзбекистон ва унинг йўлбошчиси Ислом Каримовдир. Очиғини айтганда, советлардан кейинги аҳвол ҳозирги пайтда кўпгина раҳбарлар, сиёсатчи ва иқтисодчиларни бозор ўзгаришларининг биз амал қилаётган моделига хос тамойиллар ва жиҳатларга маълум даражада мурожаат этишга мажбур қилмоқда. Лекин улар буни кўпам тан олавергиси келмайди. Майли, тан олмаслик — уларнинг иши. Аммо ҳали-ҳануз бизнинг мустақил йўлимизни кўролмайдиган, турли баҳоналар билан Ўзбекистонга ўз сиёсатини, таъсирини ўтказишга, манфаатларини суқишга уринаётган кучлар ҳам борки, уларга қарата Президентимизнинг қуйидаги фикрини келтириш ўринлидир: «Бугунги кунда бирор кимсанинг хаёлида бизни танлаган йўлимиздан оғдириш, хонадонимиздаги тинчлик ва барқарорликни бузиш истаги бўлса, билиб қўйсинки, энди кеч бўлди». Дарҳақиқат, бизга тазйиқ ўтказиш, ҳаётимизни издан чиқариш, олдимизга қўйилган мақсадлардан чалғитишга уриниш вақти ўтди. Ўзбекистон ўз мустақиллиги ва миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда янгиланиш ва ислоҳотлар йўлини аниқ белгилаб олган. Амалга оширилаётган барча ўзгаришларни эса халқимиз кенг қўллаб-қувватламоқда.

Мустақиллик — оддий манфаат эмас, балки бутун миллатнинг ягона масаласига айланган умуммиллий манфаатдир. Аслида эътиқод манфаати, иймон манфаати, маслак манфаати ҳам мустақилликдир. Мустақиллик бу — ижтимоий ҳуқуқлар мажмуи. Фуқаролар жамиятдаги ўз ҳуқуқларини тўла англаб етсалар, улар эркин ва мустақил бўладилар. Демакки, мустақиллик уларнинг тақдирида зуҳур этган бўлади. Ўз ҳуқуқларини таниган инсон ўзининг жамиятдаги, ўз миллатининг бошқа миллатлар олдидаги мавқеини, ўз давлатининг бошқа давлатлар олдидаги нуфузини тўғри белгилай олади.

Тарих воқеликлари, дедик. Тарих воқеликлари ҳақиқат. Салкам бир аср мобайнида истибдод зулмини бошдан кечирганимиз, ўша даврда аслида миллий давлатимиз бўлмаганлиги — бу ўзини англаган халқ учун нақадар фожиа эмасмиди? Энди қозон бир ҳафтада бир марта қайнаса қайнарди, бўлмаса йўқ. Ўшанда ўзбеклар собиқ иттифоқ ҳудудида аҳоли жон бошига энг кам гўшт, тухум истеъмол қилар эдилар. Бу нарсаларнинг бари умумий қозонга ташиб кетиларди. Ғуруримиз, ор-номусимиз билан бирга, миллий манфаатларимиз ҳам поймол этиларди. Ҳамма нарсани ўзимиз етиштирардигу, энг қизиғи, ҳеч нарсага эга бўлолмай қолаверардик.

Бир ўйлаб кўрайлик, ўша собиқ шўролар даврида Ўзбекистон ёки ўзбек халқи манфаатлари ҳақида гапириш мумкинмиди? У пайтларда «икки қутб»нинг бири бўлган собиқ СССР манфаатлари «Жаҳон инқилоби ғояси» билан суғорилган, яъни шўролар даврида амал қилган жамият тузуми ғалабасини дунё миқёсида жорий қилишдан иборат ғайриинсоний мақсад ҳукмрон эди. Бошқача айтганда, мафкуравий ғоя ва қадриятлар ҳатто давлат манфаатларидан-да устун қўйилларди.

Эслайлик, тилимиз ва тафаккуримизга зулм ўтказилгани етмагандай қанчадан-қанча ер ости ва ер усти бойликларимиз таланди. Сув текинга ташиб кетилди. Советлар Ўзбекистон ва ўзбекларга нисбатан қароқчилик қилдилар, десак адашмаймиз. Олтинимиз, пахтамиз, қорақўл терилари... Ажабки, шу нарсаларни етиштирган оилаларда Очиғини айтганда, бизнинг Ватанимиз ҳамма замон, ҳамма даврларда ҳам бошқаларнинг кўзини қуйдириб, ичини ёндириб келган. Бунга, шубҳасиз, унинг жаннатмакон юртлиги сабабдир. Тарихда ўлкамиз Шарқдан ҳам, Ғарбдан ҳам кўплар юриш қилганлар. Диёримизни беҳудага тилла сандиққа қиёслашмайди. У кўпларнинг нафсини қўзғотган. Таъбир жоиз бўлса, Яратган бу заминни ўзбекнинг чекига чеклаб берган. Уни ҳеч ким биздан ҳеч қандай йўл билан тортиб ололмайди.

Юртбошимиз янги аср арафасида миллий манфаатларимиз стратегиясини белгилаб берган «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асарларида Ўзбекистон фақат жуда бой табиий хомашё заҳиралари, чексиз бозор ва сармоя сарфланадиган ўлка бўлиб қолмасдан, айни чоғда ғоят улкан ақл-заковат, маънавий ва маданий имкониятларга эга салоҳиятли мамлакат эканлигини таъкидлайдилар. «Буларнинг барчаси, — дейди йўлбошчимиз, — дунёда янги сиёсий ва иқтисодий тартиб фаол шаклланиб бораётган бир шароитда, юртимизнинг ноёб жўғрофий ўрни билан қўшилган ҳолда жуда катта жўғрофий-сиёсий ва жўғрофий-стратегик қизиқиш уйғотади».

Ўзбекистон бутун дунёга дарвозаларини кенг очмоқда. Чуқур давр маҳдудликни кўтармайди. Биз дунёни ўрганмоқдамиз. Дунё ҳам бизни ўрганмоқда. Давлатимиз ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқаларни шакллантиришда ўз истиқлолининг дастлабки йилларидаёқ ишлаб чиқилган асосий қоидалар — ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда давлат миллий манфаатларининг устунлиги, тенг ҳуқуқлилик, ҳамкорлик учун очиқлик, умуминсоний қадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик тамойилларига изчил амал қилиб келмоқда. Айни чоғда ташқи алоқаларни ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш йўлидан бормоқда.

Президентимиз таъбири билан айтганда, мустақил Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашуви серқирра жараён бўлиб, аммо бир муҳим қоидага: бир давлат билан яқинлашув ҳисобига бошқасидан узоқлашмасликка амал қилади.

Бу фикримизнинг тасдиғи сифатида ўтган ҳафтада мамлакатимиз бир вақтнинг ўзида турли даражаларда — дунё миқёсида, МДҲ доирасида ва минтақа кўламида интеграция жараёнларида фаол қатнашганлигини исботловчи далиллар келтириш ўринлидир. Мисол учун, 24-25 май кунлари Тошкентда Ўзбекистон — АҚШ, АҚШ — Ўзбекистон қўшма комиссияларининг иккинчи сессияси бўлиб ўтди. Унда икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш бўйича муҳим келишувлар имзоланди. Шу ҳафтада Украина пойтахти Киевда ҳар томонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Украина ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг учинчи мажлиси ўтказилди. Яқингинада Тошкентда Буюк ипак йўлини тиклаш, ТРАСЕКА лойиҳасини амалга ошириш бўйича Минтақавий кенгаш бўлиб ўтганди.

Бироқ шуни ҳам айтиш керакки, Ўзбекистоннинг ўз манфаатларидан келиб чиқиб амалга ошираётган бу ҳаракатларини тўғри қабул қилишни истамаётган кучлар ҳам йўқ эмас. Улар мамлакатимизнинг халқаро доирада эришаётган ютуқларини пасайтириб кўрсатишга, дунёнинг етакчи давлатлари билан ўрнатилаётган мустаҳкам алоқаларимизни бузиб талқин қилишга уринадилар. Масалан, ҳали ҳам «катта оғалик» кайфиятидан халос бўлолмаган шўролар давридан бери чиқиб келаётган Россиядаги айрим матбуот нашрларида «Ўзбекистон четга чалғиб кетмоқда, ўз ташқи сиёсатида кўпроқ АҚШ йўлидан бормоқда» қабилидаги иддаоларни ўқиш мумкин. Лекин, жаноблар, билиб қўйинглар, энди тарихни ҳеч қачон ортга қайтариб бўлмайди. Бугун Ўзбекистон, дейлик, АҚШ билан яхши муносабатларда бўлишни хоҳлаётган экан, бу унинг ички иши бўлиб, мутлақо бошқа давлатларга қарши қаратилмаган. Матбуот хабарларига эътибор берган бўлсангиз, Тошкентда Ўзбекистон — АҚШ қўшма комиссияси иш юритаётган бир пайтда ҳукуматимиз биносида Ўзбекистон — Япония ҳамкорлиги бўйича музокаралар ҳам давом этаётган эди. Бу музокаралар натижаси ўлароқ Япония Эксимбанки Ўзбекистонга 47 миллион долларлик миқдорда кредит ажратиш бўйича битимни имзолади. Эрта-индин эса мамлакатимизга Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕБРР) президенти амалий ташриф билан келиши кутилмоқда. Бу билан нима демоқчиман? Ўзбекистон ўз миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда дунёнинг ҳар қандай мамлакати, нуфузли иқтисодий халқаро ташкилоти билан алоқаларни бундан кейин ҳам ривожлантираверади. Бугунги дунё талаблари шундайки, ҳамма нарса — биродарлик ҳам, дўстлик ҳам тенг манфаатлар асосига қурилади. Бу бугунги дунёнинг, янги замоннинг оддий ҳақиқати. Шунинг учун ҳам нодўстларга айтадиган гапимиз — адоват эмас, тенг ҳамкорлик ва ўзаро ишонч билан янги асрга қадам ташлаш керак.

Президент Ислом Каримов биз учун мустақиллик — фақат ўз эркинлигимизни англаш бўлиб қолмасдан, аввало ўз ҳаётимизни ўз иродамиз билан ва миллий манфаатларимизни кўзлаган ҳолда ташкил этиш, ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қуриш ҳуқуқидир, дея халқимизни собиқдадам бўлишга чорламоқдалар. Бинобарин, Ўзбекистон халқи худди шу аъмолга, айни шу тамойилларга амал қилган ҳолда янги асрга кириб боради. Бу XXI асрда бизнинг мустақиллик ва тараққиёт йўлимиздир.

Аслиддин БОЛИЕВ

ХДП хабари

Демократиялашув жараёнида сиёсий партиялар

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши қошидаги илмий-назарий семинарнинг кеча бўлиб ўтган навбатдаги машғулоти мамлакатимиз йўлбошчисининг Олий Мажлис ўн тўртинчи сессиясида қилган маърузасида илгари сурилган ғоялар, XXI аср арафаси ва унинг дастлабки йилларида республика ривожланишининг ҳар томонлама асослаб берилган устувор йўналишлари, халқимиз олдида турган долзарб вазифаларни ўрганиш ҳамда кенг тарғиб қилиш масалаларига бағишланди.

Унда Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов «Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов жамиятни демократиялаш жараёнида сиёсий партияларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг аҳамияти тўғрисида» мавзуида маруза қилди.

Семинарда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, Тошкент шаҳар, Тошкент вилояти ҳамда уларнинг тасарруфидаги шаҳар ва туман партия кенгашлари масъул ходимлари, шунингдек, партия марказий матбуот нашрлари ижодкорлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Олий Мажлис депутати билан учрашувлар

239-Тахиатош сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, Олий Мажлиснинг қўмита раиси, ЎзХДП МКнинг котиби Изидор Кочмарик ўз сайловчилари билан учрашди.

У Тахиатош шаҳридаги марказий касалхонада, Қорақалпоқ иқтисодиёт ва тадбиркорлик коллежида, Амударё туманидаги Бердах номли ва Хўжайли туманининг бир қатор хўжаликларида бўлиб, бунёдкорлик ишлари, аҳолининг турмуш тарзи билан танишди.

Депутат шу тумандаги «Озодлик» корпорацияси ҳудудида газ тақсимловчи марказнинг ишга тушганлиги муносабати билан корпорация аъзоларини чин қалбдан табриклади. Эндиликда, 3 мингдан кўпроқ хонадон табиий газдан баҳраманд.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ХДПда ҳисобот-сайлов конференциялари

Интизом ва ижро – асосий мезон

Ўзбекистон ХДП Мирзо Улуғбек туман ташкилоти ишининг бош мезони интизом ва ижро, деб айтсак муболаға бўлмайди. Чунки, барча муваффақиятларнинг асосий омили шулардир. 1991-99 йилларда туман кенгашининг 17 та пленуми ва ижроия бюросининг 88 та мажлиси ўтказилди. Уларда 845 та масала кўриб чиқилди. Ҳисобот даврида 227 та энг муҳим қарор доимий назоратда бўлди. 220 қарор эса тўла ижро этилгач, назоратдан чиқарилди. Хуллас, кўриниб турибдики, туман партия кенгаши ўз фаолиятини аниқ мақсадларга йўналтирмоқда.

Шу ўринда, ёшлар ўртасида олиб борилаётган ишларни такомиллаштириш мақсадида тузилган режалар қанчалик амалга ошаётганини кузатиш мароқлидир. Ҳозир туманда турли йўналишлар бўйича ёшлар клублари муваффақиятли ишлаб турибди. Айнан шу туман партия кенгашининг ёшлар билан ишлаш борасидаги тажрибаси Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми томонидан ўрганиб чиқилгани ва қўллаб-қувватланганлигини айтиш кифоя.

Бугунги кунда Мирзо Улуғбек тумани партия ташкилоти ўзининг 179 та бошланғич партия ташкилотларига 4000 дан ортиқ кишини бирлаштирган. ХДПга ишчиларнинг кўплаб кириши кузатилмоқда. Улар орасида турли миллат вакиллари бор. Ишчилар билан бир қаторда мутахассислар, ўқитувчилар, врачлар, ижодкор зиёлилар, талаба ва бошқалар ҳам кўп.

Туман иккинчи партия конференциясида қилинган ХДП туман кенгаши ва ташкилот тафтиш комиссиясининг ҳисобот маърузаларида ҳамда музокараларда асосий эътибор ыПрезидентимиз И.А. Каримов олиб бораётган сиёсатни оммага чуқур сингдириш ва тўла рўёбга чиқариш учун ҳар бир ХДП аъзосининг фаоллигини ошириш, демократик ва ҳуқуқий жамият қуриш учун пухта тадбирлар асосида амалий ишлар олиб бориш зарурлиги таъкидланди. Туман партия ташкилотининг жойлардаги демократик институтларнинг ривожланиши ва мустаҳкамланишига таъсирини ошириш ҳақида жиддий гап борди. Яна бир долзарб масала — аҳолининг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини оширишга эътиборни янада кучайтириш зарурлиги уқтирилди.

Бошланғич партия ташкилотлари аҳолининг кам таъминланган қисмларини, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоялаш, ёшларни ватанпарварлик ва меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш борасида ибратли ишлар қилмоқдалар. Кенгаш «Маҳалла» хайрия жамғармасининг туман бўлими билан ўзаро шартнома тузган. У ҳар бир соҳа бўйича аниқ иш режаларига эга. Шунингдек, «Камолот», «Нуроний», «Соғлом авлод учун» жамғаларининг жойлардаги бўлимлари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Туман партия ташкилотининг маҳаллий давлат идоралари билан ҳамкорлиги ҳам диққатга сазовордир. Кўпгина ёшлар клублари — «Ёш қизлар клуби», «Ёш тадбиркорлар мактаби», «Ҳуқуқий факультет», «Ҳуқуқий билимлар университети» кабиларнинг ташкил этилиши ва кўпгина амалий тадбирлар улар билан биргаликда қилинган ҳаракатлар мевасидир.

Албатта, келгусида ҳал қилиниши зарур бўлган вазифалар, ишда йўл қўйилган айрим камчиликларга барҳам бериш устида ҳам конференцияда сўз борди, таклифлар киритилди.

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгашининг биринчи котиби, Олий Мажлис депутати Латиф Ғуломов конференцияда сўзга чиқди.

Конференцияда туман партия кенгаши ва тафтиш комиссиясининг янги таркиби, ХДП Тошкент шаҳар кенгаши таркибига вакиллар ҳамда пойтахт партия конференциясига делегатлар сайланди.

Ўзбекистон ХДП Мирзо Улуғбек туман кенгашининг биринчи пленумида Р. Сатторова унинг биринчи котиби этиб сайланди.

Ҳамид ИКРОМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

* * *

Шунингдек, Навоий шаҳар ва Сирғали туман партия конференциялари бўлиб ўтди. Уларнинг ишида Навоий вилояти партия кенгаши биринчи котиби Р. Ботиров, Навоий шаҳар ҳокими Б. Ҳамдамов, Тошкент шаҳар партия кенгаши иккинчи котиби В. Медведев ва Сирғали тумани ҳокими М. Йўлдошевлар иштирок этдилар.

Навоий шаҳар ва Сирғали туман партия кенгашлари пленумларида уларнинг биринчи котиблари этиб, Б. Норов ва Ё. Исоқова қайта сайландилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Миллат ва маънавият

Миллий ғоя

жамият тараққиётининг маънавий омилидир

1

Гарчи ҳозирги вақтда ҳеч бир мафкура расман давлат ёки умумхалқ маъносини касб этиши мумкин эмас, деган умумий тушунча ҳукмрон бўлса-да, шунга қарамай мафкуравий хилма-хиллик халқ онгининг муайян муштараклиги заруриятини истисно этмайди. Умумхалқ ҳокимияти сиёсий қадриятларсиз жамиятнинг сиёсий тизим узвлари бекарорликка олиб борувчи, бундан ҳам ёмони инқилоблар ва фуқаролар урушини келтириб чиқарувчи ҳал қилиб бўлмас зиддиятлар гирдобига тушиб қолиши мумкин.

Шу боис ҳар қандай давлат мафкура сифатидаги у ёки бу меъёрларни, мақсадларни мустаҳкамлайди, у ёки бу тарзда уларни жамият онгига сингдиришга ҳаракат қилади.

Ўзбекистонда бўлаётган ўзгаришлар ғарбий Европа ҳамда АҚШ асрлар мобайнида бошдан кечирган тарихий ривожланишнинг турли жараёнлари уйғунлашуви вазифасини ҳал этиши лозим: эркинлик қадриятларини, шахс мустақиллигини шакллантириш, адолат, бахт, муайян мафкурали ҳаётнинг маъноси тўғрисидаги тасаввурлар билан яхлитлашган элатларнинг ривожланиши шулар жумласидандир. Ўзбекистонда бундай меъёрлар, қадриятлар ва мақсадлар Президентимиз Ислом Каримов илгари сурган миллий мустақиллик мафкураси тушунчаси доирасида шакллантирилган.

Йўлбошчимиз таъкидлаганларидек; «...халқимизнинг асрий анъаналари, урф-одатлари, тили ва руҳига асосланган ҳолда миллий мустақиллик мафкураси умуминсоний қадриятлар билан муштаракликда келажакка ишонч, она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, инсонпарварлик, виждонлилик, мардлик ва чидамлилик, адолат, билимга ва маърифатга интилиш туйғусини одамлар қалби ва онгига етказиш учун хизмат қилмоғи даркор. У давлат фуқароларининг буюк мақсад йўлидаги руҳий яқинлашувига ҳамкорлик этмоғи лозим».

У ёки бу катта ижтимоий гуруҳ (миллат, синф, мамлакат ва ҳ.к) манфаатлари ифодаси сифатида тафаккурнинг анъанавий тушунчасидан фарқли ўлароқ миллий мустақиллик мафкураси умумхалқ мафкураси сифатида намоён бўлган эди. Бу мафкурада давлат ичида ҳар қандай гуруҳий қаршилик кўрсатишнинг имкони йўқлиги ғояси асос қилиб қўйилган эди. Ва ниҳоят бу ўз навбатида давлат мафкураси эмас, балки халқ мафкурасидир. Бу эса Ўзбекистон Республикаси Президенти белгилаб берган дастурга жуда мос келади: «ҳеч бир мафкура давлат мафкураси даражасига кўтарилиши мумкин эмас».

Миллий мустақиллик мафкурасининг тушунчаси юртбошимиз таъкидлаганларидек, уч асосий мақсадни кўзда тутади:

1. Ўзбекистон мустақиллигининг келажаги ҳақида қайғуриш;

2. Мустақил Ўзбекистон фуқароларининг қадр топишини, уларнинг эркинлигини тўла равишда намоён этиш;

3. Юксак ғоялар ва ёрқин мақсадлар ила мунаввар меҳнат фаолияти орқали мустақил Ўзбекистоннинг келажаги ҳақида ғамхўрлик билан фуқаролар қадрланиши ва эркинлигини узвий боғлаш шулар жумласига киради.

Ҳар қандай мафкура сингари миллий мустақиллик мафкураси омма орасидаги ёйилиш амалиёти ва механизмининг муайян дастурларини акс эттириши лозим. Энг аввало — бу айнан «қуйи»дан туриб ҳаракат қилиш устуворлигида ҳам «юқори», ҳам «қуйи» мафкура ғояларини диалектик ривожлантиришдир.

Биринчи галда маҳалла ва оилалар «қуйи»дан туриб ҳаракат қилувчи механизм ҳисобланади. Бу ҳамжамиятлар жамоатчилик манфаатлари ва жамоатчилик хоҳиш-иродасини ифодалашга қодир ижтимоий тизимлар шахобчасига киради. Бу шундай ижтимоий кучга эгаки, унда асосий ҳаракатлар очиқ-ойдин қўллаб-қувватланиши ёки рад этилиши мумкин. Маҳаллий ҳамжамият доираларида Ўзбекистонда яшовчи турли эл-элатлар вакилларининг махсус миллий манфаатлари, махсус миллий анъаналари ва урф-одатларининг сақлаб қолиниши ҳамда ривожланиши ифода этилади.«Юқори»дан туриб ҳаракат қилиш догма ва мафкураларни зўрлаб тиқиштиришда, махсус мафкура ўчоқларини яратишда эмас, балки маънавий-ахлоқий ва маданий ютуқларни қайта тиклаш, сақлаб қолиш, мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасида энг кўп ғамхўрлик қилишда бўлмоғи ва бунинг учун энг қулай шарт-шароитлар яратишда ўз ифодасини топмоғи даркор.

2

Шунинг учун ҳам фуқаровий жамият ва ҳуқуқий давлатда шахс имкониятларидан кенг миқёсда фойдаланиш мустақиллик мафкурасининг мақсади, деб эълон қилинган.

Миллий мустақиллик мафкураси Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида оёққа туришида ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Бироқ республика мустақиллиги тан олинган ва ўз хусусий тараққиёт йўлидан бораётганига бир неча йил бўлган айни пайтда бу мафкура янги миллий ғоя — олис истиқболга мўлжалланган ғоя билан алмашиниши лозим, у якка шахс ва фуқаролар манфаатларига ҳамда ҳар бир ўзбекистонликнинг, хусусан, ёшларнинг мақсадларига дахлдордир. Бу эса бутун мамлакатнинг гуллаб-яшнашига имконият туғдиради.

Президентимиз Ислом Каримов давлат миқёсида маънавият ва маърифатни ривожлантириш вазифасини қўйди. Ушбу жараёнда «миллий ғоя» ни ривожлантириш, уни барпо этиш етакчи куч бўлмоғи керак.

«Миллий ғоя» шундай ғоя бўлмоғи лозимки, у республикамиз ҳудудида истиқомат қилувчи барча халқларни жипслаштира олсин.

Табиатда бўлганидек, жамиятда ҳам бўшлиқ бўлиши мумкин эмас. Ривожланган, пухта ўйланган «миллий ғоя»нинг, уни омма онгига сингдириш механизмининг йўқлиги Ўзбекистон олдига қўйилган мақсадларга ёт мафкуравий тузилмаларнинг шакланиши ва ёйилиши учун қулай замин яратади. Бу маҳаллийчилик ва танишбилишчилик ҳамда, диний фундаментализмдир. Енгилелпи йўллар билан мол-дунё жамғариш каби иллатлар ҳамдир.

Бизнингча, «миллий ғоя» ўзида икки йирик мажмуани мужассам этмоғи лозим:

1. Ижтимоий — психологик ҳолатлар, ахлоқий идеаллар ва қоидаларнинг омма онгига сингдириладиган ва татбиқ этиладиган мажмуаси:

а) «тенг имкониятлар»га, ҳар қандай тоифавий, диний ва шу каби чекланишлардан халос бўлиш ишончига мўлжалланган дастур;

б) муваффақият «одоби» концепцияси.

в) «миллий қаҳрамон», ўз-ўзини намоён қилган инсон ғояси.

2. Ўзбекистоннинг олий даражадаги истиқболи ҳақидаги, келажаги буюк давлат сифатидаги умуман Ўзбекистон ҳақидаги яхлит тасаввур. Ўзбекистон фуқаросиман деган ҳар бир кишининг қадрланиш ва эркин фаолият орқали Ўзбекистоннинг келажаги ҳақида ғамхўрлик муносабати.

«Миллий ғоя»нинг бош мазмуни Ўзбекистоннинг ҳозири ва келажагига бўлган ишончдан, агар олдига қўйилган мақсад сари қаттиқ ҳаракат қилса ҳар бир инсон муваффақият қозонишига ва бахт сари интилишда ўз имкониятига эга бўлишига умиддан иборат бўлмоғи даркор.

Шу билан бир вақтда «миллий ғоя» миллий мустақиллик мафкураси асос солган қоидаларни ўзига сингдирмоғи керак. Энг аввало мафкурани ҳам «юқори»дан, ҳам «қуйи»дан ёйиш қоидаси бўлмоғи даркор. Бу ўринда оммавий ахборот воситалари ва ўқув юртлари тизими орқали омма онгида илдиз отиши керак бўлган қатор шиорларни, мақсад-йўналишларни шакллантириш муҳим ҳисобланади:

1. Халқимиз онгида жамоатчилик, патернализм ғоялари, жамоатчилик фикри, ахлоқий ва маънавий асослар, юқорида қайд этилган ижтимоий-психологик фазилатлар мажмуи афзаллиги етакчилик қилгани боисидан «америкача орзулар» тавсифидан фарқли ўлароқ, жамоатчилик тавсифи биринчи ўринда турмоғи лозим. Ўзбекистон халқларининг онгида ислом маърифати ғоялари ҳам муҳим ўрин тутади. У ҳам «миллий ғоя» тушунчасида ўз аксини топмоғи даркор.

2. Иқтисодни ривожлантиришда «миллий ғоя» амалиёт мафкурасини белгиловчи негиз эканлиги шубҳасиздир. Мулкчилик кимнинг қўлида турибди, қай даражада у муайян миллий таълим воситаси бўлиб ҳисобланади, маълум ишлаб чиқарувчи кучларнинг ишлаб чиқариш воситаларидан ажратиб қўйилиши нечоғли даражада бартараф этилган ҳар қандай кишилик жамиятининг, шу жумладан, миллий ўз-ўзини ташкил этиши бу ва кўплаб бошқа масалаларнинг ҳал этилишига боғлиқ. Бунда миллий мустақиллик мафкурасидан фарқли ўлароқ «миллий ғоя»да асосий эътибор ишлаб чиқарувчилар синфини шакллантиришга қаратилмоғи лозим.

3. Шу билан бир вақтда иқтисодни ривожлантириш—бирдан-бир мақсад эмас, бу халқ фаровонлигини ошириш, инсон ҳаётий фаолияти учун шарт-шароит ва воситалар яратиш омилидир, холос.

4. Замонавий давлат мустақиллиги ва суверенитети унинг халқи мустақиллиги ва суверенлиги, халқнинг сиёсий асос бўлиши, тўла-тўкис сиёсий ҳокимиятга эга бўлиш ҳуқуқи асосидагина барпо этилиши мумкин. Халқ ҳокимияти муаммоси — бу энг аввало ҳуқуқий давлат муаммосидир, умуминсоний қадриятлар ва қонун устуворлиги, давлат ва фуқаронинг ўзаро жавобгарлиги, шахс ҳуқуқлари ва эркинлиги кафолати, ҳуқуқий амалиётининг халқ ахлоқи билан ўзаро боғлиқлиги унга асос бўлиб хизмат қилади.

5. Жамият мустақиллиги бу жамиятга кирувчиларнинг ва унинг ижтимоий гуруҳ ва шахсини ташкил этувчиларнинг эркинлиги билан бевосита боғлиқ. Фуқаролар жамияти тушунчасининг ўзидаёқ тегишли ижтимоий омилларга таянувчи алоҳида шахслар ҳал қилувчи восита ҳисобланади. Шахс жиҳатидан шахснинг эркинлиги ва ўз-ўзини тараққий топтириши «миллий ғоя»нинг асосий тушунчаларидир. Бу тушунчалар замирида шундай изланиш, амалий фаолият, тажриба ётадики, булар воситасида инсон шахс сифатида, ижтимоий фаолият негизи сифатида унинг шакланиши учун зарур бўлган ўзгаришларни ўзи мисолида амалга оширади. Эркинлик ва ўз-ўзини тараққий топтириш-мустақил давлат фуқароларига тақдим этилувчи имтиёз ва талаблардир. Суверен, мустақил давлатнинг чинакам негизи бўлиши учун инсон ўзини ўзгартириши, мослашиши, аввалги замонлардаги стереотип ва догмалардан фориғ бўлмоғи даркор. Фақат эркин одамгина мустақил давлатнинг ҳақиқий негизи бўла олади. Албатта бу Конституция доирасида.

6. Шахс эркинлиги ва ўз-ўзини тараққий топтириш муҳим хусусиятларга эга: ўз хусусий мустақиллиги, шахс сифатида ўзини тўлароқ намоён этиши борасида қайғурар экан, инсон бевосита ё билвосита ўзи мансуб бўлган жамиятнинг ривожланиши ва равнақ топишига имкон туғдиради. Бу ривожланиш ва равнақ топиш у қай даражада фуқаро, ўз мамлакатининг таркибий қисми бўла олган бўлса, ўша миқдорда унинг ўзига қайтиб келади. Шундай қилиб, ўз Ватанининг гуллаб-яшнаши, равнақ топиши ва мустақиллигига энг кўп даражада имконият яратиш шахс сифатидаги «миллий ғоя»нинг чинакам мақсади бўлиб ҳисобланади.

7. Ўзбекистонда юзага келган иқтисоднинг мафкура ва сиёсатдан устунлиги мустақил Ўзбекистоннинг истиқболи борасидаги ишлар билан фуқаролар қадрланиши ва эркинлигини боғлаб турувчи ҳалқани намоён этишга имкон беради. Меҳнат амалий фаолияти худди ана шу ҳалқани ташкил этади, бу фаолият эса юксак ғоялар ва олижаноб мақсадлар билан мунаввардир. Боқимандалик-қарамлик психологиясини тубдан йўқотиш «миллий ғоя»нинг муҳим ҳалқаларидан бири бўлиб қолмоғи лозим.

Биз юқорида бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда.Президентимиз томонидан қўйилган муҳим масала «миллий ғоя» мавзусининг айрим муҳим томонларигагина эътиборимизни қаратдик холос.

Лекин, айтиш жоизки, мамлакатимизда қанчалик қийин кечмасин «миллий ғоя»нинг диёримиз ривожидаги оламшумул ролини эътироф этиб, унинг яратувчанлик имкониятлари ва асослари мавжудлигини эътиборга олиб, бир гуруҳ олимларимиз бу борада иш олиб бораётганлари жудажуда қувонарли ҳолдир. Негаки, тарих исботлаганидек, мафкурасиз миллат бўлмаганлиги каби миллий ғоясиз жамият тараққиёти ҳам бўлмайди.

Ўрол АБИЛОВ, фалсафа фанлари доктори, профессор

3

Маҳсулотга талаб ортяпти

Бугунги кунда Самарқанд туманидаги «Стеклопласт» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти цехларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талаб катта. Мазкур жамият цехларида барча спорт жиҳозлари, шунингдек, мактаб ва мактабгача бўлган билим масканлари учун қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар ишлаб чиқарилаяпти.

Яқинда бу ерда соғлиқни сақлаш, олий таълим ва халқ таълими соҳалари учун буюртма асосида мебеллар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Айни пайтда Ўрта Осиёда ягона ҳисобланмиш бу корхона улкан ишлар сари жадал бормоқда.

Суратларда: 1.Текисловчи ишчи Жаҳонгир Ғаниев. 2.Тайёр маҳсулотлар кўргазмаси.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

ЎРТА ОСИЁДА ЯГОНА ЗАВОД

1995 йилда Тошкент микробиология институтида «Ер малҳами» – биоазот ўғити яратилди. Табиатнинг ўзидаги биологик элементлардан таркиб топувчи биоазот моддаси олдин Наманган вилоятининг Наманган ва Тўрақўрғон туманлари хўжаликларида синовдан ўтказилди. Натижа ёмон бўлмади. Айниқса, Тўрақўрғон туманидаги Бобур номли жамоа хўжалигида янги ўғит туфайли пахта ҳосилдорлиги кейинги уч йилда 3-5 центнергача ортди. Деҳқонлар энди «Ер малҳами»ни қидира бошладилар. Чунки унинг 1 килограмми мавсум давомида 100-150 килограмм селитранинг қувватини беради.

Тўрақўрғонлик донгдор пахта мутахассиси Сотиболди Ғаффоровнинг таъкидлашича, биоазот ўғити туфайли ернинг ҳосилдорлиги ошади, тупроқ таркиби яхшиланади, тошдай қотиб кетган экин ерлари юмшайди.

Биологик азот ўғитининг кашфиётчиси, Тошкент микробиология институти директори, профессор Қаҳрамон Давроновнинг айтишича, беда алмашлаб экилганда унинг атрофида дуккакли туганак ҳосил қилувчи микроорганизмлар кўпаяди. Микроорганизмлар ҳаводан азотни олиб, ўсимлик учун физиологик фаол моддаларни ҳосил қилади. Тупроққа айланиб қолган, кимёвий моддалар таъсирида ҳосилдорлиги пасайган замин учун бу жараён жуда зарур.

Ушбу илмий изланишнинг амалиётга татбиқ этилишида пойтахтдаги Истиқболий тадқиқотлар ва инновация институти катта хизматлар қилди. Институт раҳбари, физика-математика фанлари доктори Бадриддин Рихсиевнинг саъй-ҳаракатлари билан Тўрақўрғонда «Тўрақўрғонбиоазот» заводи ишга тушди. Институтнинг ўзига хос ишлаб чиқариш заводига айланган корхонада шу йилнинг ўзида 200 минг гектарга етадиган ўғит тайёрлаш мумкин бўлади. Завод учун 20 миллион сўм маблағ сарфланди, 30 ишчи ўрни яратилди.

— Аввало ўғитни синовдан ўтказиш ва уни саноат усулида ишлаб чиқариш учун вилоят ҳокимлиги, шахсан ҳокимнинг хизматларидан жуда миннатдормиз. Ҳокимликнинг олимларга таяниши, илм-фан ютуқларига асосланиб иш юритиши ўйлаймизки, келгусида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга катта таъсири бўлади.

Махсус қадоқланган 5 килограммли идишлардаги тўқ жигар рангли маҳсулот ҳозир Наманганда ишлаб чиқарилмоқда.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Мулоҳаза

Чўпон меҳнатининг баҳоси қанча?

Жиззах вилояти хўжаликларида чорвачиликнинг туёқ сонларини кўпайтириш борасида ибратли ишлар қилиняпти.

— Биз майин жун берадиган меренос наслли қўйларни парвариш қиламиз, — дейди Ғаллаорол илмий ишлаб чиқариш агрофирмаси чўпони Тошанбой Тиллаев. — Режаларни ошиғи билан бажардик. Яқинда жун қирқими мавсуми бошланади. Ҳар қўйдан ўртача 3 килограммдан саноатбоп жун олиш ниятимиз бор. Лекин, жун тайёрлашга кетадиган харажат ўзини қопламайди.

Чўпоннинг гапига хўжалик бош иқтисодчиси Нуриддин Маманазаров қўшилади:

— Бу йил 18 тонна жун топширишимиз керак. Унинг ҳар бир килограмми 80 сўмдан баҳоланмоқда. Тўғри, хўжалигимизда қўйчилик фойда келтирадиган тармоқ. Ўтган йили 3 миллион 656 минг сўм даромад қилдик. Лекин жун ишлаб чиқаришдан келтирилган зиён соф фойда олиш имконини бермади. Республикамиз саноат корхоналари учун хомашё ҳисобланган жуннинг харид нархи қайта кўриб чиқилса ёмон бўлмасди. Биз эса маҳсулотимиз сифатини янада яхшилаш тадбирларини кўрамиз.

Нуриддин аканинг гапларида жон бор. Жундан тайёрланган маҳсулотларнинг нархи кун сайин ошаётган бир пайтда нега чўпоннинг меҳнати қадрланмайди? Тўғри, вилоятнинг Фориш туманида жунни ипга айлантириб берадиган корхона ишга тушган. У бор-йўғи 70 тонна жунни қайта ишлай олади. Аммо, Жиззах вилоятида тайёрланаётган жунни тўлиқ қайта ишлаш имконига эга эмас. Аҳолининг қўлида мавжуд бўлган маҳсулот-чи? Қанчадан қанча териларни айтмаса ҳам бўлади. Биз бу маҳсулотлар исроф бўлаяпти, деган фикрдан узоқмиз. Фақат, харид нархи паст, манфаатдорлик йўқ ҳисоби. Нефть маҳслуотлари, ем-хашак, чўпонга кўрсатилаётган хизмат, дори дармон... хуллас, харид нархи чўпонларни ранжитмоқда. Чўпоннинг, хусусий хўжаликларнинг етиштирган хомашёларини жойида қабул қилиб оладиган, уни саноат корхоналарида қайта ишлаб, республикамиз иқтисодиётига ҳисса қўшишни таъминлайдиган фурсат етди ахир!

Пардабой ТОЖИБОЕВ

Икки кунлик сафар

Литва Президенти Валдас Адамкус бошчилигидаги делегация икки кунлик ташриф билан Венгрияда бўлди. Будапештда Литва Президенти Венгрия ҳукумати билан давлатлараро алоқалар бўйича музокаралар ўтказди. Шунингдек, учрашувларда Болқон минтақасидаги можаро бўйича ҳам фикр алмашилди.

Конда яна портлаш

Украинанинг Донецк вилоятидаги кўмир конларидан бирида кучли портлаш юз берди. Фалокат пайти шахтада 180 киши ишлаётган эди. Уларнинг 122 нафари омон қолди. Қидирув ишлари натижасида ҳозирга қадар 12 кишининг жасади топилди. Шахтада кўмир қазиб олиш тўхтатилган ва қидирувчилардан бўлак барча кишилар юқорига олиб чиқилган.

УМИД БИЛАН ЯШАШ КЕРАК

дейди Жиззах вилояти Халқ банки бошқармаси бошлиғи Юсуф Ёриев

Суҳбатдошимиз ҳақида: Юсуф Ёриев меҳнат фаолиятини 1981 йил молия-кредит соҳасидан бошлаган. Мана, қарийб йигирма йилдирки, банк тизимининг турли вазифаларида ишлаб келаётир. 1996 йил майидан эса Жиззах вилояти Халқ банки бошқармасининг бошлиғи.

— Юсуф ака, сиз билан мустақиллигимизнинг саккиз йиллиги арафасида суҳбатлашиб турибмиз. Айтингчи, ўтган йиллар давомида Халқ банкида қандай ўзгаришлар юз берди?

— Республикамиз истиқлолга эришганидан сўнг ўтган давр мобайнида иқтисодимизни ўнглаш борасида жуда катта ишлар амалга оширилди. Жумладан, молия ва банк тизимини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор берилиб, унинг ҳуқуқий асослари яратилди. Шуни айтишим керакки, мустақиллик йилларида Халқ банкида катта ўзгаришлар бўлди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 4 октябрдаги «Ўзжамғармабанкни Ўзбекистон Республикаси Халқ банкига айлантириш тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши Халқ банкига катта ҳуқуқ ва имкониятлар яратиб берди. Давлатимиз халқ банки ишини янада такомиллаштириш, фаолиятини кенгайтиришга қаратилган қатор тадбирларни белгилаб, Фармону қарорлар қабул қилинди. Президентимизнинг 1998 йилнинг 25 декабрдаги Фармони ғамхўрликнинг яна бир кўринишидир. Фармонга кўра, Халқ банки 2002 йилгача солиқлардан озод этилиб, унинг инфратузилмасини яхшилаш назарда тутилган.

Ўтган вақт мобайнида вилоят Халқ банки бошқармаси, унинг шаҳобчалари ишида ижобий ўзгаришлар бўлганлигини айтиб ўтиш лозим. Барча соҳалар каби банклар ҳам ўз ишини янги техника ва технология асосида яхшиламоқда. Хабарингиз бор, илгарилари бир корхонадан кўчанинг нариги тарафидаги иккинчи корхонага пул ўтказиш қандай машаққатли эди. Ойлаб вақт кетарди. Ҳозирчи? Дақиқалар ичида мамлакатимизнинг исталган жойига пул ўтказиш операцияларини бажариш мумкин. Халқ банки соҳасидаги, умуман, ҳаётимиздаги барча ўзгаришлар истиқлол туфайли рўй берди. Ана шу янгиланиш ва ўзгариш моҳиятини чуқурроқ англаб етмоғимиз ва шунга яраша иш тутиш давр талаби.

— Халқ банки таъбир жоиз бўлса, халқимизнинг синовдан ўтган ишончли хазиначисидир. Шундай эмасми?

— Албатта. Шунинг учун ҳам Халқ банки ходимлари зиммаларидаги масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда ишламоқдалар, улар бугунги кунда аҳолига кўплаб турдаги банк хизматларидан ташқари, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам пулларини тўлаш, пенсия пуллари, болали оилаларга нафақаларни тарқатиш, индексация пулларини тўлаш каби вазифаларни сидқидилдан бажариб келишмоқда.

Мижозлар бизнинг шеригимиз, ҳамкорларимиздир. Уларнинг ишончини оқлаш вилоят Халқ банки ходимларининг бош вазифаси, мақсадидир.

— Биласиз, бозор иқтисодиётининг ўзига яраша қонун-қоидаси бор. Яъни ҳар бир киши танлаш ҳуқуқига эга. Кимки, ишини яхшиласа, изланса, ҳамкори — мижозининг кўнглини олса, унинг шериги кўпаяди. Демоқчиманки, рақобат шароитида ишлашнинг ўзи бўлмайди.



— Фикрингизни тушундим. Илгари вилоятимизда учта банк бор эди. Ҳозир уларнинг сони ўнтага етди. Буларнинг бари республикамизда банк тизими тубдан ислоҳ қилинганлигини кўрсатади. «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ҳамда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши барча тижорат банкларига бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида фаолият кўрсатишлари учун тўла ҳуқуқий асослар яратиб берди. Агар бир пайтлар аҳоли қўлидаги бўш пул маблағлари фақат омонат кассалари орқали қабул қилинган бўлса, ҳозирги кунда эса бошқа тижорат банклари ҳам аҳолидан маблағларни қабул қилмоқда. Турли хизматларни кўрсатмоқда. Демак, биз аҳолига таклиф этилаётган банк хизматларини яхшилаб, унинг турларини кўпайтиришимиз, қисқа қилиб айтганда мижозларимиз манфаатини кўзда тутган ҳолда ишни ташкил этишимиз лозим.

— Юқоридаги саволнинг давоми сифатида сўрамоқчиман. «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун хизмат қилади», деган иборани қандай изоҳлайсиз?

— Ҳақиқатдан ҳам шундай. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Негаки, банк хизмат кўрсатади, мижоз эса унинг хизматидан фойдаланади. Биз учун мижоз ҳамиша ҳақ. Бу қоида эскирмайди. Халқ банки эшигини очган ҳар бир фуқаро бизнинг доимий мижозимизга айланиши учун барча чораларни кўрамиз.

— Шу бугунги кунда қандай муаммо сизни қийнаяпти?

— Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини омонатга жалб этиш хусусида жиддий иш олиб бориш керак. Бунинг учун тарғибот-тушунтириш ишларини янада жонлантириш зарур. Очиғи, раҳбар сифатида мени яна ўйлантирадиган муаммо — бу кадрлар масаласидир. Негаки, уларнинг билими, малакасини ошириш қолаверса, дунёқарашини ўстириш долзарб вазифа. Чунки, ҳар бир соҳада бўлгани каби бизда ҳам ишимизнинг унуми, умуман олдимизда турган масалаларни нечоғли аниқ, оқилона ҳал этишимиз кадрларга боғлиқ. Шу жиҳатдан мамлакатимиз келажаги учун қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурнинг амалга оширилиши муҳим аҳамиятга эга. Кези келганда айтиб ўтай. Олий Мажлиснинг XIV сессиясидаги Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» маърузаси биз учун дастуриламалдир. Ушбу маърузани қайта-қайта ўқиб ўрганар эканмиз, унда белгилаб олинган қоида ва ҳулосалардан келиб чиққан ҳолда эртанги кунимиз режаларини белгилаб олаётирмиз. Давлатимиз раҳбари сессияда кадрлар масаласига ҳам алоҳида тўхталиб шундай деган эдилар: «Яна бир бор таъкидлаб ўтишга тўғри келади: амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг тақдири шу масалага, яъни кадрлар тайёрлашга чамбарчас боғлиқлигини биз аниқ ва равшан англаб олишимиз лозим».

Бу масала доимий диққат марказимизда туради. Ходимларимизнинг малакасини ошириш мақсадида семинарлар ташкил этаётирмиз. Тошкентдаги ўқув юртларга юборяпмиз. Мижозлар билан кўпроқ мулоқотда бўладиганлар — назоратчи-ғазначилардир. Ариза-шикоятларга қараб жойлардаги ҳақиқий аҳволни биламиз ва зарур чоралар кўрилади. Яна бир гап. Ишимизни янада яхшилаш мақсадида туманларда ўз-ўзини бошқариш органлари ҳамда фуқаролар билан очиқ мулоқот ўтказиш одат тусига айланган. Бу эса ўзининг самарасини бераётир. Яхши ишлаганлар, омонатни кўпроқ жалб қилганлар моддий жиҳатдан рағбатлантирилмоқда.

— Вилоят Халқ банки бошқармаси ҳамда унинг шаҳобчаларида ишловчи аёлларга муносабат қандай? Сўраётганим боиси шуки, бу йил Аёллар йили...

— Жамоамизнинг қарийб тенг ярмини хотин-қизлар ташкил қилади. Ишчан, фидойи аёлларимиз бор экан, ҳар қандай масалани ечишимиз мумкин. Аёллар ҳурматини жойига қўйиш, уларни қадрлаш оддий инсоний бурчимиз. Фурсатдан фойдаланиб Римма Савкина, Дилбар Оҳунова, Гулчеҳра Тошматова сингари ўнлаб меҳнаткаш, оқила, доно аёлларимиз номларини алоҳида тилга олишни истардим.

— Келгуси режалар ҳусусида...

— Халқ банки ўзи ишлаб фойда кўриши учун барча имкониятлар ишга солинади. Ана шу мақсад йўлида юз миллион сўмлик лотерея чиқаришни мўлжаллаяпмиз. Ишимизни янада яхшилаш учун кўпроқ фикрлаш, изланиш керак. Замон биздан онгимиз, тафаккуримизни ўзгартириш баробарида ишимизда ҳам олға силжиш бўлишини тақозо этмоқда.

— Юсуф ака, бўш вақтингизда нима билан шуғулланасиз?

— Санъатга қизиқаман. Мумтоз ашулалар қалбдан, юракдан чиқариб айтилса, сиз ҳам уни ҳудди шундай юракдан қабул қиласиз. Бундан ташқари, футбол ва волейбол ўйнашни ёқтираман.

— Ҳаётни кўриб, озмиқўпми ишлаб, тажриба орттириб чиқарган муҳим хулосангиз...

— Аввало, эркак кишининг уйида осойишталик бўлсин. Кейин маҳалласида ҳурмати жойида экан, қолган ҳаммаси секин-аста бўлаверади.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Шимолий қутбга хитойлар боради

ХХР тарихида биринчи маротаба хитойлик мутахассислар Арктикадаги Шимолий қутбга экспедиция уюштириш ниятида. Хабарларга қараганда, экспедиция таркибида 50 нафар олим ва 20 нафар журналист бўлиб, улар шу йили 1 июлда Шанхайдан Шимолий қутбга томон йўл олади.

Хитойлик олимлар Шимолий қутбнинг сайёра иқлимига таъсири билан боғлиқ ҳамда бошқа соҳалар бўйича тадқиқот ўтказади.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик анжумани

Бангкокда Жанубий-шарқий Осиё давлатлари уюшмаси билан Европа Иттифоқининг савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича анжумани бошланди. Анжуман кун тартибида ўзаро савдо ва сармоялар оқимини кенгайтириш ҳамда атроф-муҳитни ҳимоялаш масалалари жой олган.

Хабар рад этилди

Грузия ташқи разведка бошқармаси раиси Автондил Иоселиани мамлакат пойтахтида амалга оширилиши режалаштирилган террорчилик ҳаракати иштирокчиларини қўлга олишда АҚШнинг Марказий разведка бошқармаси иштирок этгани ҳақида оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарни рад этди. У Тбилисида ўтказилган матбуот анжуманида «Бизнинг МРБ, «Моссад» ҳамда Германия, Франция, Россия махсус хизмат бошқармалари билан яхши амалий алоқаларимиз бор. Бироқ Тбилисидаги террорчиликни режалаштирган гуруҳни қўлга олиш операциясини бошидан охиригача фақат Грузия махсус хизматлари амалга оширди, бунинг учун бизнинг тузилмаларимизда керакли техника ва кадрлар бор», деди.

Битим имзоланди

Ливия билан Жанубий Африка Республикаси (ЖАР) ҳукуматлари ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди. Шунингдек, томонлар ўзаро алоқаларни ривожлантириш мақсадида назорат қўмитасини тузишга келишиб олди. Мазкур келишувларга ЖАР саноат ва савдо вазири Алек Эрвин бошчилигидаги делегация аъзоларининг Ливияга ташрифи чоғида эришилди.

Котиб тўқнашувлардан ташвишда

БМТ Бош котиби Кофи Аннан Ҳиндистон — Покистон чегарасида икки ҳафтадан буён давом этаётган қуролли тўқнашувлардан ташвиш билдирди.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарга қараганда, Ҳиндистон билан Покистон ҳарбийлари ўртасида, айниқса, Кашмир водийсидаги Каргил секторида ниҳоятда аёвсиз жанглар бўлган. Натижада ҳар икки томон катта талофат кўрган. Қурбонлар орасида тинч аҳоли вакиллари ҳам бор.

(ЎзА)

Поччасими, қайниси?..

ёки Пастдарғом туманидаги бир фожиа хусусида

1998 йилининг сўнгги кунлари, 30 декабрь кеч соат 19.30-20.00 ларда туманнинг «Наврўз» ширкатлар уюшмасига қарашли Мулла Мирзо қишлоғида яшовчи 1961 йилда туғилган Абдулҳамид Гулбоев оламдан эрта кўз юмди. У янги йил байрамини хушвақт қаршилаш мақсадида яхши ният қилиб кўчага чиққанди. Катта йўлда эса... Орзу-ўйлари, беғубор туйғулари асфальт йўл ва кенг далаларга сочилиб кетди. Абдулҳамиднинг ёш умрига зомин бўлган ҳайдовчи енгил машинаси билан мурдани 40 метрдан ортиқроқ жойга судраб кетади. Асфальт йўл четига ташлаб, воқеа содир бўлган жойдан жуфтакни ростлаб қолади.

— Номардлар қилғиликни қилиб, эримга ёрдам бериш ўрнига қочиб қолишган. Агар уни зудлик билан шифохонага олиб боришганда эди, балки ўлмасмиди?Устига-устак эримни машинада уриб, ўлдириб кетган Дагар исмли ҳайдовчи фожиани мен эмас, қайин укам Акмал содир этган, дея тегишли жойларга кўрсатма берган. 14 С 81-32 русумли қизил «Москвич» Акмалга эмас, унга тегишли. Туман ҳуқуқ-тартибот органларининг ходимлари поччасининг эмас, қайнисининг устидан жиноий иш қўзғатган. Чунки, Акмалнинг ота-онаси йўқ. Дагарнинг қарамоғида. Дагар Акмалга: «Фожиани мен содир этганман, дея бўйнингга ол. Сени қамоқдан тезда чиқариб оламиз», — деб қайта-қайта уқтирган. Ўйлантириш ва тўй қилиб беришга ваъда берган. Тергов жараёни ниҳоясига етди. Бизнинг арзу-додимизга ҳеч ким қулоқ солмади, — дея таҳририятга мурожаат қилади Назокат Гулбоева.

— Жабрланувчи сифатида туман ички ишлар бўлимининг терговчиси, милиция лейтенанти Санжар Абдуллаев ҳузурига бир эмас, бир неча марта бордим. У эса мени тингламади. Кўрсатмаларимга эътибор бермади. Эримнинг қотили кимлигини аниқ билсам бўлди. Ноҳақлик йўлидаги додимни кимга айтай...

Марҳум Абдулҳамид Гулбоев хонадонида бўлдик.

Оддий, кўримсизгина лойсувоқ уйда Назокат, Мусаллам ая (Абдулҳамиднинг қайнонаси) ва Обиҳаматлар (туғишган акаси) билан суҳбатлашамиз. Жабрланувчиларнинг мунгли нолаларини тинглаймиз:

Назокат ГУЛБОЕВА: — Кундузи Дагарнинг маст ҳолда машина бошқариб юрганини кўргандим. Унинг кўрсатмалари ҳар хил. Бунга терговчининг жиддий эътибор бермаганлигига ҳайронман. Январь ойининг ўрталарида терговчи Санжар Абдуллаевнинг қабулига бордим. Ҳозир келаман, кутиб туринг, дея хонасидан чиқиб кетди. Ички ишлар бўлими биноси олдида кечгача кутдим, келмади. Инсон ҳақ-ҳуқуқини поймол қилиш ҳам шунчалик бўладими?! Терговчининг мен ёзиб берган кўрсатмаларга эътибор бермаётганлигига таажжубланаман.

Айбланувчиларга ҳеч қандай хусуматим йўқ. Лекин бор ҳақиқатни билгим, адолатни юзага чиқаргим келади. Дагарнинг машинаси суд тугагунга қадар тегишли жойда сақланса бўларди-ку! Машинанинг соз ёки носозлигини аниқлатиб, бизга маълум қилинса бўлмасмиди? Ҳозир машинанинг қаердалигини ҳам билмаймиз.

Машина эримнинг орқа томонидан урган. У капот устига тушиб, орқа мияси билан ойнага урилган. Кейин эса гавдаси машинага осилиб қолган. Шу тарзда 43 метр жойга судралиб борган. Демак, машина катта тезликда келган ёки тормози ишламаган...

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир

Дагар бизга ўша куни телевизорини устага пешиндан кейин олиб боргандим, дея кўрсатма берди. Уста эса бизга у телевизорини соат ўн бирларда олиб келганди, деб тушунтириш хати ёзиб берди. Буни биз эмас, терговчи аниқлаши керакку! Терговдаги бундай чалкашликлар бизда катта шубҳа уйғотмоқда.

Мусаллам УМАРОВА: (63 ёшда) — Болам энди ҳеч қачон тирилиб келмайди. Худо раҳмат қилсин, ёш кетди. Абдулҳамидни машинада Дагар уриб кетганми ёки фожиани бошқа биров содир этганми бу ёғи бизга қоронғу. Тўғри, туман ички ишлар бўлимига айбни бўйнига олиб Акмал Амиров борган. Мен гуноҳкорман, дея кўрсатма берган. Лекин унинг айбдор эканлигига гумонимиз бор. Дагар Ҳайдаров маст ҳолда ухлаб ётган пайтимда телевизор устида турган калитни олиб Акмал машинани кўчага ҳайдаб чиққан, деяпти. Бу гапга ишониш қийин. Кўчага берухсат, ризоликсиз ким ҳам машина ҳайдаб чиқарди. Абдулҳамиджонимизнинг вафотини худонинг иши, деб ўтирибмиз. Қалбимизни мажруҳ қилиб юборган нарса айбдорлар бирор марта келиб, оиламиздан кўнгил сўрамади. Куёвимнинг пок руҳига фотиҳа қилмади.

Обиҳамат ЧЎЛИЕВ: — Жиноий иш пухта текширилмади. Укамни ким босиб кетганлигини ҳеч ким билмайди. Агар укамни Акмал уриб кетган бўлса, у айбини бўйнига олган бўлса, нега чуқур ва пухта текшириб кўрилмади?! Айбини бўйнига олди, дея ҳе йўқ, бе йўқ ҳибсга олиш шартми?!

Мухбир шарҳи: Мақолага сўнгги нуқта қўйган пайтимизда суд жараёни бошланганди. Яқинда туман суди (раиси Фурқатжон Толибов) киши ўлими билан боғлиқ тергов ишини адолат тарозисида кўриб чиқди. Ишни қайта тергов қилиш ҳақида ажрим чиқарди. Акмал Амиров уч ой ҳибсхонада ўтириб ҳуши, ақли жойига келди. У фожиага алоқаси йўқлигини виждонан бўйнига олди ва суд залидан озодликка чиқди.

Ишонамизки, қайта терговда қонун бузилишига йўл қўйилмайди. Ҳақ ўз жойида қонуний қарор топади. Айбдор шахс топилади ва қонуний жазо олади. Шундагина жабрланувчилар арзи-дод қилиб, ҳақиқат излаб юқори ташкилотларга мурожаат қилмайдилар!

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
махсус мухбири

АБТ — Африка таянчи

25 май куни Африка Бирлиги Ташкилоти (АБТ) ўзининг 36 йиллигини нишонлади

1963 йил 25 май куни бир гуруҳ Африка давлатларининг раҳбарлари Эфиопия пойтахти Аддис-Абебадаги йиғилишда минтақавий ташкилот тузиш ҳақидаги Хартияни имзолаган эди. Шундан буён аъзо мамлакатларда мазкур сана Африка куни сифатида кенг нишонланади. Айни пайтда АБТга 53 давлат аъзо бўлиб, Салим Аҳмад Салим унинг Бош котиби вазифасини бажариб келмоқда.

Ташкилотни тузишдан мақсад минтақадаги турли муаммоларни баҳамжиҳат ҳал қилиш ва қитъанинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш эди. Ҳозирги кунда жаҳондаги аксарият қолоқ давлатлар Африкада жойлашган. Бундан ташқари, қитъанинг турли бурчакларида «оловли нуқта» ҳам кўп. Бу можаролар бевосита минтақадаги сиёсий-ижтимоий тизимнинг бузилишига олиб келаётир, аҳоли турмуш тарзини янада оғир аҳволга солиб, исталоҳотларнинг тўла-тўкис бажарилишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Қитъадаги сиёсий-ижтимоий беқарорлик иқтисодий ривожланишда муҳим аҳамиятга эга бўлган хорижий сармояларнинг кириб келишига ҳам тўсқинлик қилаётир.

Кейинги минг йилликка Африка қай аҳволда кириб бориши кўпроқ айнан Африка Бирлиги Ташкилотига боғлиқ. Бош котиб Салим Аҳмад Салим Африка халқларини минтақада тинчлик ўрнатиш учун бирдамлик билан ҳаракат қилишга чақирмоқда. Унинг таъкидлашича, тинчлик ўрнатилиши қитъада хавфсизликни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, демократияни мустаҳкамлаш ҳамда барқарорликни қарор топтиришда асосий омил ҳисобланади. АБТ аъзоси Буркина-Фасо президенти Блэз Компаоренинг айтишича эса, Африка давлатлари мавжуд урушларга биргаликда барҳам беришга ва иқтисодиётни ривожлантиришга эътибор бериши лозим.

Нима бўлганда ҳам, Африка Бирлиги Ташкилотининг тузилгани қитъа тарихида энг аҳамиятли воқеалардан саналади. Африка жаҳонда ўзининг ҳақиқий мавқеини касб этиши учун минтақада тинчлик ва халқлар ўртасида бирлик ўрнатилиши шарт. Жаҳонда муҳим ўзгаришлар содир бўлаётган бир пайтда, Африка мамлакатлари зиммасида кўплаб муаммоларни ҳал қилиш масаласи турибди. АБТнинг айни пайтдаги муайян мақсади эса Африка халқлари турмуш даражасини кўтаришдан иборатдир. Ташкилот ўз мақсадига эришиш учун минтақада тинчлик ўрнатиш, хавфсизликни таъминлаш ҳамда барқарор вазиятни вужудга келтириш йўлида тинмай ҳаракат қилмоқда.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси

«Фарзандим — дилбандим» ўйланмаси

Азиз муштарий! Диққатингизга ҳавола этилган ушбу ўйланма қуйидаги ҳикмат ва халқ мақолларида келтирилиб, рақамларда ифодаланган сўзлар орқали яширинган очқич орқали ҳал этилади.

Хоразмлик атоқли олим ва шоир Аз-Замахшарий:

1. Таниқлигу шарафинг отангдандир,
22,24,14,1,3,5,9,8,6,3,12 мушфиқлик онангдандир.

XII-XIII асрларда яшаб ўтган мумтоз шоир Аҳмад Югнакий:

2. Отадан хато келса кўрма хато,
13,2,18,9,5 бил, ҳаттоки қилса хато.
Отанг хатосини билгин савоб,
Сени юз балодан қутқаргай худо...

Алишер Навоий:

3. Улча эрур туфлга шойиста иш,
Билки кичикликта 20,1,4,1 парвариш,
Қатраға чун тарбият этти садаф,
Эл бошиға чиққунча топти шараф,
Бириси қўмоқлиқ 23,15,16,3 от,
Ким десалар етмагай андин уёт.

4. Фарзанд ота қуллиғин 25, 4, 9, 7,2,10 қилғай,
Ул одат ила касби саодат қилғай,
Ҳар кимки отоға кўп саодат қилғай,
Ҳар кимки отоға кўп риоят қилғай,
Ўғлидин анга бу иш сироят қилғай.

Ўзбек мумтоз шоираси Нодира:

5. Фарзанд меҳри аритар 19,2,22 зангини кўнгилдин.

Халқ мақоллари:

6. Одам умрининг лаззати — 28,2,1,17,2,8,7.
7. 4, 27 фарзанд билан обод, дала — одам билан.
8. Феъли кенг кишининг 12,26,8,11,6,3 қаримас,
Болалик уйдан бахт, шодлик аримас.
9. Фарзандим асал — 21,2,8,7,3,22.

Энди очқичдаги сўзлар асосида шаклдаги рақамларни мос ҳарфлар билан алмаштириб ижодкор Бархурдор ибн Маҳмуд қаламига мансуб тўрт мисра ҳикматни билиб олинг.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

«Жуғрофий» ўйланманинг жавоблари:

Ёйлар бўйича шакл маркази томон:

1. Дакка. 2. Боливия. 3. Тошкент. 4. Тайга. 5. Кариб. 6. Чукотка. 7. Сумгант. 8. Бурса. 9. Турон. 10. Венеция. 11. Мексика. 12. Пекин. 13. Ненец. 14. Либерия. 15. Сицилия. 16. Неман. 17. Келес. 18. Банорас. 19. Сахалин. 20. Габон. 21. Ханой. 22. Манагуа. 23. Марокаш. 24. Нигер. 25. Ливан. 26. Каракас. 27. Лаперуз. 28. Лагос. 29. Талас. 30. Суринам. 31. Муборак. 32. Минск. 33. Ливия. 34. Гонконг. 35. Подсдам. 36. Макка.

Муаммонома:
Ал-Беруний.



O‘ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak iymondandur!

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1999 yil 27 may, payshanba • № 62 (24.457).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

SPORT

Улар Осиё чемпиони бўладилар

Мустақил Ватанимиз пойтахти нуфузли спорт анжуманлари марказига айланиб бормоқда. Яқин келажакда чет эллик минглаб мухлислар шаҳримиз номини тилга олганда: «О-о, спорт, Тошкент!» дейишса ажабмас. Айниқса, жаҳон андозалари талабларига тўлиқ жавоб берадиган «Юнусобод» спорт кошонаси мухлису мутахассисларга маъқул келиб қолди. Умуман, бу спорт иншоотининг ўзига хос тарихий саҳифалари унутилмас ва бетакрор воқеалар билан бойиб бормоқда. Куни кеча бу



федерациясининг Бош котиби Мишел Дюссон Ўзбекистонда курашсеварлар бениҳоя эканини эътироф этиб, бу ерда ҳар қандай нуфузли бахсларни уюштиришга имконият яратилганидан мамнуният изҳор қилди. Давлатимиз мадҳияси садолари остида мусобақа байроғи оҳиста кўтарилади. Тантанали маросимда республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Рисқиев иштирок этди.

Мусобақани эса эркин курашчилар бошлаб беришди. Кундузги дастлабки давра беллашувларида



ерда яна бир йирик спорт мусобақасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Биринчи марта эркин, юнон-рум ва аёллар кураши бўйича Осиё чемпионати байроғи кўтарилди. Тантанали очилиш маросими ўзига хос байрам тусини олди. Республика Бош вазирининг ўринбосари Ҳ. Кароматов юртимизда спортга давлат аҳамияти берилаётгани, соғлом авлодни камол топтиришга эътибор катталиги, қолаверса, спорт билан шуғулланиш, маҳоратни ошириш, Ватанимиз довруғини жаҳонга ёйиш учун бизда етарли шарт-шароитлар яратилаётгани ҳақида сўзлади. Шунингдек, ФИЛА — халқаро ҳаваскор курашчилар 8 вазн бўйича қарийб 15 мамлакатдан ташриф буюрган полвонлар илк ғалаба завқидан баҳраманд бўлиб, курашни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритишга ҳаракат қилдилар. Бу борада майдон эгалари сира бўш келишмади. Улар мезбонларга хос эркин ҳаракат қилиб, ажойиб ғалабаларни қўлга киритишди. Чунончи, Атҳам Очилов, Игор Купеев, Руслан Хинчагов, Сослан Фраев, Рамил Исломов, Аслан Санакоевлар кураш майдонида зафардан нишон бериб, илк бор қўл кўтардилар.

Кечки беллашувлар олдидан яна бир қувончли воқеа рўй берди. Юртимизда курашни оммавийлаштириш, маҳоратли спортчилар сафини кенгайтириш, халқаро мусобақалар ўтказишда ташкилий ишларни йўлга қўйиш бўйича ажиб муваффақиятга эришган жонкуярлардан бир гуруҳи ФИЛАнинг муносиб мукофотларига лойиқ кўрилди. Баҳсни эса 54 килограмм вазнли саккиз жуфтлик бошлаб берди. Бу сафар ҳамюртимиз Атҳам Очиловнинг омади келди. Унинг рақиби рўйхатга олинмаганлиги учун Атҳам ғолиб сифатида навбатдаги босқичга йўлланма олди. 69 килограммли Игор Купеев эса эронлик Жалол Латифий билан майдонга чиқди. Қизғин ва муросасиз олишувлардан кейин курашчимиз 6:4 ҳисобида ютуққа эришди. Унинг жамоадоши Дамир Закартдинов қирғиз курашчиси Русланбек Маджиновни доғда қолдирди. 76 килограмм вазнли полвонлар беллашуви ҳам мухлисларда яхши таассурот қолдирди. Айниқса, полвонларимиз орасида ягона хизмат кўрсатган спорт устаси унвонига эга, жаҳон кубоги соҳиби, Осиё чемпиони, жаҳон чемпионатлари совриндори Руслан Хинчаговнинг беллашуви ажиб манзара касб этди. У олишувни узоқ чўзмади. 3 дақиқаю 46 сонияда япон курашчиси Кенжи Кошибнинг курагини ерга теккизди. Мамлакатимиз спорт шарафини муносиб ҳимоя қилган вакилимиз Сослан Фраев ҳам соф ғалабага эришди. У 10:0 ҳисобида покистонлик Султон Шаҳиддан (97 кг.) устун келди.

Шунингдек кеч оқшом палласида яна 3 курашчимиз Осиё чемпиони номига даъвогар эканликларини амалда намойиш этишди. Агар Рамил Исломов 63 килограмм вазнли полвонлар қаторидан жой олган япон Хироакини енгган бўлса, 85 килограмм вазнли полвонлар орасида курашган Аслан Санакоев турк курашчисини мағлубиятга учратди. Маълумки, оғир вазнли полвонлар беллашуви ҳамиша мароқли ўтади. Бу вазнда бир курашчимиз Георгий Қайсинов майдонга тушди. У ҳинд полвони Палвиндер билан узоқ олишувдан кейин 10:0 ҳисобида қўли баланд эканини исботлади. Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, Осиё чемпионати беллашувларида Япония, Эрон, Қозоғистон, ҳатто Ҳиндистон курашчилари совринли ўринларга даъвогар эканликларини кўрсатишмоқда. Жумладан, Руслан Велиев (Қозоғистон), японияликлар Такахиро, Кенжи, Юсуке, Жанубий Кореядан Ким Кил Соо муваффақиятли беллашмоқда. Бугун ярим финал ва финал беллашувларидан кейин эркин кураш бўйича ғолиблар аниқланади. Эртага эса юнон-рум кураши бўйича баҳслар бошланади.

Абдуқодир АБДУШУКУРОВ

Майдонда фақат қизлар

Тошкентда волейбол бўйича биринчи марта «Микаса» кубоги учун халқаро турнирнинг ўтказилиши ҳам ўзига хос воқеадир. 5 мамлакат жамоаларининг Японияниг машҳур «Микаса» фирмаси таъсис этган совринга даъвогарлик қилишлари мухлисларда ажиб таассурот қолдирмоқда. Кеча Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг иқтисослаштирилган спорт залида мусобақанинг тантанали очилиши бўлиб ўтди. Бу маросимда «Микаса» фирмасининг директори Хироюки Такижири билан Республика спорт қўмитаси раиси Баҳодир Маҳситов юртимизда спортнинг волейбол турига эътибор катталиги, Тошкентда йирик мусобақаларни ўтказиш бўйича ўзига хос тажриба тўпланганлиги, биринчи марта уюштирилган бу мусобақанинг анъанавий бўлиб қолиши ҳақида фикр юритишди.

Тошкентда Японияниг йирик «Микаса» фирмаси ташаббуси билан бундай халқаро мусобақанинг уюштирилиши бежиз эмас. Боиси, волейболчи қизларимиз халқаро майдонларда ўзларини кўрсатишган. Хусусан Таиланда ҳал қилувчи баҳсда Японияниг «НЕК» жамоасини мағлубиятга учратиб, «Малика» кубогини қўлга киритишган эди. Яқинда эса Осиё клублари чемпионатининг бронза медалига эга бўлишди. Соврин учун курашда Республика жисмоний тарбия институтининг ЖИСК клуби мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади. Волейболчи қизларимиз сардори Полина Зборoскаянинг таъкидлашича жамоамиз мусобақага пухта ҳозирлик кўрган. Ҳар куни иккитадан учрашув бўлмоқда. Бугун Қозоғистон — Қирғизистон, Ўзбекистон — Россия жамоалари майдонга тушадилар. Кеча эса Япония-Қозоғистон (3:1) жамоалари учрашдилар.

Ҳайдар НОСИРОВ

Универсиада байроғи ҳилпирамоқда

Юксак маърифий маданий жамият қуриш баркамол ёшларни тарбиялашни тақозо этади. Айни пайтда ёшларнинг маърифий-маданий савиясини ошириш янгича фикрлашга ўргатиш эса ислоҳотлар даврининг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Бу борада спортнинг алоҳида ўрни бор. Шунинг учун ҳам республикамиз университетлари талабаларининг биринчи универсиадасини ўтказишга қарор қилинди. Мақсад талабалар орасида ҳамжиҳатликни таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни сақлаш, бўш вақтни мароқли ва мазмунли ўтказишни уюштиришдан иборат. Универсиада баҳслари ТошДУ спорт мажмуасида давом этмоқда. Ёшларнинг ўзига хос анжуманига республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, ёшларнинг «Камолот» жамғармаси, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари марказий қўмитаси ҳамжиҳатликда бошчилик қилмоқда.

Кеча универсиада иштирокчилари Хотира майдони ва Амир Темур ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди. ТошДУнинг марказий ўйингоҳида универсиаданинг тантанали очилиш маросими бўлди. Спорт мусобақалари «Шоввозлар» театр студияси қувноқлар ва зукколарнинг чиқишларига уланди. Бугун ва эртага ҳам спортнинг бир қанча турлари бўйича қизғин баҳслар ўтказилади.

Абдуқодир АБДУШУКУРОВ

Маънавиятимиз чашмалари

Алпомиш — боқий асар

Яқинда Термиз шаҳри Маннон Уйғур номидаги мусиқа ва драма театрида республика истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек жамғармасининг республика Маданият ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий-услубият маркази ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда ўтказган «Алпомиш» — боқий асар» тадбирлари доирасида Ўрта Осиё республикаларидан келган бахшишоир ва оқинларнинг биринчи халқаро фестивали ўз ишини якунлади. Мазкур кўрик-фестивалда Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон республикаларидан етук бахшишоир ва оқинлар қатнашдилар.

Кўрик-фестивалда, Қорақалпоғистон Республикасидан, Тошкент, Хоразм, Навоий, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларидан келган бахшишоир, оқинлар иштирок этишиб, ўз маҳоратларини намойиш қилдилар.

Ёш бахши-шоирлар гуруҳи ўртасида (50 ёшгача) ўтказилган беллашувларда Хоразм вилояти Хива шаҳридаги 5-мусиқа мактабининг Норбек бахши Абдуллаев раҳбарлигидаги «Достон» фольклор-этнографик ансамбли гуруҳи (Маъмура Машарипова, Азамат Мадраимов, Илҳом Рўзметов) ҳакамлар ҳайъати қарори билан олий совринга сазовор бўлдилар.

Ёш-бахши шоирлар гуруҳида ўз маҳоратларини намойиш этган Қорақалпоғистон Республикаси Нукус педагогика институтининг 3-курс талабаси Зиёда бахши Шарипова, Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманидан Исмоил бахши Анваровлар — биринчи ўринни;

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги Ҳапак бахши номидаги мусиқа билим юртининг 4-курс талабаси Зулфия бахши Аранибетова, Нукус шаҳридан Тенгелбой бахши Каллиев, Сурхондарё вилоятидан Қаҳҳор бахши Умиров, Ангор туманидаги 33-мактаб ўқувчиси Турғун бахши Чориев, Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманидан Бахром бахши Раҳимовлар — иккинчи ўринни;

Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги Муқимий номидаги 19-мактаб ўқувчиси Акбар бахши Юсупов, Сурхондарё вилояти Бандихон туманидан Сафар бахши Маматмуродов, Навоий Давлат педагогика институтининг ўқитувчиси Гулбира оқин Ережепова, Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридан Абдусамат бахши Кожаков, Нукус Давлат педагогика институти талабаси Бахтиёр Есемуратовлар — учинчи ўринни эгаллашди.

Етук бахши-шоирлар ва оқинлар гуруҳи ўртасидаги танловда Сурхондарё вилояти Бойсун туманидан Шоберди бахши Болтаев олий совринга муяссар бўлди.

Етук бахши-шоирлар ва оқинлар ўртасидаги беллашувларда Сурхондарё вилояти Денов туманидан Боробаҳим бахши Маматмуродов, Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманидаги Бобур номидаги мактаб ўқитувчиси Абдумурод бахши Раҳимов, Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай туманидан Қорақалпоғистон халқ жирови Жумабой Бозоровлар — биринчи ўринни;

Самарқанд вилоятининг Оқтош шаҳридан Зиёдулла бахши Исломов, Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманидаги Бобур номидаги мактаб ўқитувчиси Абдуқаҳҳор бахши Раҳимов, Сурхондарё вилояти Қизириқ туманидан Абдуназар бахши Поёновлар — иккинчи ўринни;

Жиззах вилоятидан Унгар бахши Уровбоев, Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидан Бахшиқул бахши Тоғаев, Қашқадарё вилоятидан Шомурод бахши Тоғаев, Навоий вилояти Конимех туманидан Қалдибек бахши Содиров, Сурхондарё вилояти Бойсун туманидан Ўрол бахши Раҳимовлар — учинчи ўринни олишди.

Сурхондарё вилояти Қизириқ туманидан Хушбоқ бахши Мардонақулов «Устоз ва шогирд анъаналарини давом эттирувчи» деб номланган махсус соврин билан;

Тошкент вилоятидан Чори бахши Хўжамбердиев «Фестивалнинг энг кекса иштирокчиси учун» соврини билан;

Сирдарё вилояти Гулистон туманидан Дилмурод бахши Гулмуродов ҳамда Самарқанд вилояти Оқтош шаҳридан Исломжон бахши Исломовлар «Фестивалнинг энг ёш ижрочиси» соврини билан тақдирландилар.

Жиззах вилоятидан Нишонбай Урозов, Қашқадарё вилоятидан Мусурмон Келдиев, Санжар Чубаев, Жовли Тангиров, Сурхондарё вилоятидан Зулхумор Шерназарова, Рўзиқул Болтаев, Холли Тошпўлатов, Расул Умиров, Шодмон Хўжамбердиев, Қорақалпоғистон республикасидан Инжигул Собировалар рағбатлантирирувчи совринлар билан мукофотландилар.

Кўрик-фестиваль давомида бахши-шоир ва оқинларнинг «Алпомиш» достони асосида мушоираси, «Алпомиш» достонининг аҳамияти ва бахшичилик санъати муаммоларига бағишланган «Юрт ичра кезмоқда достон» мавзуидаги давра суҳбати ўтказилди.

Ушбу кўрик-фестиваль ғолибларнинг якунловчи театрлаштирилган саҳна томошалари билан якунланди.

Шунингдек, ҳакамлар ҳайъати ва ташкилий қўмита аъзолари ҳамда бир гуруҳ ушбу тадбир иштирокчилари Термиз Давлат университети талаба ва профессор ўқитувчилари билан ижодий учрашув ўтказдилар.

Мазкур халқаро кўрик-фестиваль ғолибларига республика истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш «Улуғбек» жамғармаси, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, республика Маданият ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий-услубий марказининг мукофотлари, совринлари ҳамда дипломлари топширилди.

Фестиваль иши давомида аждодларимиз ижодий даҳосининг бебаҳо бадиий ёдгорлиги, достонлар гултожиси бўлган «Алпомиш»нинг бугунги кунда ҳам туркий тилли халқлар бирлиги ва ҳамжиҳатлигининг бетимсол намунаси эканлиги ҳар бир иштирокчининг ижросида намоён бўлиб турди.

Ҳусан ИБРОҲИМОВ

«Сулайман компани»

«Голд лэбл», Цейлон «Пико», «Кўк чой», «Мустафа чай» маҳсулотлари муаттар, хушбўйлиги ва ҳамма вақт чанқоқни тез қондириши билан истеъмолчига ғоятда манзур бўлади. Менделеев даврий жадвалида ифодаланган барча маъданлар ана шу чойлар таркибида мавжудлиги билан мутлақо бебаҳодир.

«Тўйдан кейин томоша»

Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри яна томошабинлар билан гавжумлашди. Бу ерда ёзувчи Шукрулло асари асосида саҳналаштирилган «Тўйдан кейин томоша» икки пардали мусиқали сатирик комедияси намойиш этилди.

Асар шуниси билан диққатга сазоворки, унда минг йиллик қадриятларимизга номуносиб бўлган ортиқча сарф-харажатлар, исрофгарчилик ва дабдаба билан ўтаётган тўйлар, унинг оқибатида келиб чиқадиган турли машмашалар акс эттирилади. Қуда-андачилик, оға-инилик каби ришталарнинг манфаатлар кўрпасига ўралиб олиши ҳеч вақт саховат ва адолатга олиб келмаган. Булар замирида етти ёт киши ҳам қўйнингизга илондек кириб олади. Қариндош тутинади. Совға-салому тўёналарнинг ҳади бўлмайди. Ўртага «енгил» хизматчилик тушганда, «иссиқ юз»ларидан ўтолмаган оға-инисининг айтганини бажаради. Оқибатда жамиятнинг одил тамойилларига риоя этилмайди. Энг ёмони инсонлар нафсониятига тегилади. Ана шундай қусурларнинг тўй воқеаси орқали очиб берилиши асарни янада жонлантиради, томошабин эътиборини тортади.

Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ёнғин хавфсизлиги хизмати

Ҳаммаси ўзимизга боғлиқ

Кунлар исиб, жазирама саратон ойлари яқинлашмоқда. Бундан буён ёғингарчиликнинг кам бўлиши туфайли баҳор ойларида барқ урган ўт-ўланлар, ёввойи навниҳоллар қовжираб қолади. Бу эса арзимаган баҳона билан ўт чиқиши имкониятини юзага келтириши мумкин. Умуман, ёз ойларида ҳамма нарсанинг қуруқ ҳолда бўлиши ана шундай нохушликка сабаб бўлиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун аввало оилада, қолаверса, ишлаб чиқариш, муассаса ва бошқа жойларда ёнғиндан эҳтиёт бўлиш чораларини кўриш тақозо этилади.

Халқимизда ўт балосидан асрасин, деган ибора бежиз айтилмаган. Ўтган йилнинг уч ойи мобайнида пойтахтимизда юз берган ёнғин билан боғлиқ баъзи воқеаларни айтиб ўтишни лозим деб биламиз. Оз эмас, кўп эмас 470 дан кўпроқ ёнғин содир бўлди. 3 ярим миллион сўмга яқин зарар кўрилди. Энг ёмони 10 кишининг умри хазон бўлиб, 12 киши қуйиндан тан жароҳати олди. Бунга ҳар вақтдагидек ахлатлар, қуриган ўт-ўланлар, шох-шаббаларни ёқиш, сигарета чекишдаги ўзига хос одобсизлик, электр симларнинг туташуви, электр асбобларнинг носозлиги, болаларнинг олов билан ўйнашишга йўл қўйиш, газ иситгич печкаларини қизиб кетиши сабабдир.

Шаҳримизнинг Миробод тумани мисолида юз берган ёнғинларни мисол қилиб кўрсатадиган бўлсак 4 ой мобайнида 47 та ёнғин юз берди. 540 минг сўмга яқин зарар кўрилган. 1 киши ҳалок бўлган. Аниқроқ воқеалар ҳақида сўзлайдиган бўлсак, шу йилнинг январь ойи бошида Мирсолиҳова кўчаси 27-уйда яшайдиган фуқаро А. Каклинков эҳтиётсизлик туфайли ўт ичида қолди ва бир ҳафтадан сўнг оламдан ўтди. 9 февраль куни эса Фарғона йўли кўчаси, 53-уй, 13-хонадонда қаровсиз қолган ёш болаларнинг носоз телевизорни қўйиши натижасида ёнғин чиққан. Ҳайтовур тезкор ўт ўчирувчилар болаларни қутқариб қолишди. Бундай мисолларни талай келтириш мумкин. Муҳими ҳар қандай нохушликлардан холи бўлиш учун ҳар биримиз ўт билан муносабатда ҳушёр бўлсак, ўзимизни ҳам, бошқаларни ҳам тинчини бузмаган бўлардик.

Жалол АСҚАРОВ,
Миробод туманидаги 3-ҳарбийлаштирилган ёнғиндан сақлаш бирикмаси бошлиғининг ўринбосари, ички хизмат капитани.

«Саодат» журнали ижодий жамоаси тиббиёт фанлари доктори, профессор, журналнинг фаолларидан бири

Муқаддам АШРАПОВАнинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Марҳуманинг охирати обод бўлсин.

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши Деҳқонобод туман партия кенгаши биринчи котиби Норбой Янгибоевга волидаи муҳтарамалари

Кумуш ая ШОТЎРАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!

Реклама ва эълонлар учун телефонлар:

«Ўзбекистон овози» — 133-47-80,
«Голос Узбекистана» — 136-26-70,
«Осиё бозори» — 133-38-55

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43

Факс — 133-47-80, 133-38-55, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-55-16;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Юсуф ЖЎРАЕВ*, навбатчи *Шукур ЖАББОРОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Дилором БЕКМУРОДОВА

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 23.681 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0353

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.30
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА